



«Тасдиқлайман»

“Республика таълим маркази”
директори

Сатторов Ш.Ш

« ____ » _____ 20__ й.

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН УМУМТАЪЛИМ
ФАНЛАРИДАН ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК
МАЖМУАЛАРИНИ ЯРАТИШ УЧУН ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент 2022

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИДАН ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАРНИ ЯРАТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН МЕТОДОЛОГИК, ДИДАКТИК-МЕТОДИК ВА ЭРГНОМИК ТАЛАБЛАР

Асосий тушунчалар:

Ўқув-методик мажмуа – давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларига мувофиқ, дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеник талаблар асосида ишлаб чиқилган дарслик, иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма ва дарсликнинг мультимедиали иловалари мажмуи.

Мажмуанинг таркибий қисми ҳисобланган **дарслик** – давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастури асосида дидактик, методик, педагогик-психологик талабларга жавоб берадиган, ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, унинг асослари мукамал ўзлаштиришга қаратилган, ўқув фанининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган, назарий маълумотлардан ташқари амалий-тажриба ва синов машқларини қамраб олган китоб шаклидаги ўқув нашри ҳисобланади.

Иш дафтари – дарсликнинг таркибий қисми ҳисобланадиган, давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчилар томонидан эгалланган билим ва кўникмаларни мустақамлаш ҳамда ўқув фанининг мавзуларига мос равишда ишлаб чиқилган, мантиқ ва тафаккурни ривожлантиришга қаратилган (кроссвордлар, бошқотирмалар, мантиқий фикрлашга ундовчи топшириқлар ва ҳоказо) топшириқлардан иборат бўлган дидактик восита.

Ўқитувчи учун методик қўлланма – дарсликдаги ҳар бир мавзуни самарали ўқитиш методикаси, қўшимча синов топшириқлари ва ўқитувчининг дарсни қизиқарли ташкил этишига оид бошқа методик кўрсатмалар берилган, ҳар бир дарснинг мақсади, дарсда фойдаланиладиган воситалар ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида методик кўрсатмалар аниқ баён қилинган китоб шаклидаги ўқув нашри.

Дарсликларнинг мультимедиали иловалари – ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқув фанига оид материалларни давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мос равишда ёрита оладиган, ўқув фанини самарали ўзлаштиришга, ўқувчиларни мустақил таълим олишига кўмаклашувчи ҳамда видео, овоз, анимация, график, матн ва луғатларни ўз ичига олган, билимларни назоратдан ўтказиш ва мустақамлашга йўналтирилган, ўқув фанининг асосий мазмунини бойитадиган қўшимча материалга эга бўлган ёки шу каби манбаларга мурожаатларни ўз ичига олган интерактив электрон ахборот-таълим ресурси ҳисобланади.

2-§. Дарслик яратишга қўйиладиган методологик талаблар

Замонавий дарслик нафақат маълум бир фан бўйича, балки фанлараро алоқадорлик асосида ҳам натижаларга эришишга йўналтирилган бўлиши керак, яъни ўқувчиларда умумлаштирувчи тасавурлар, тизимли билимни

шакллантириши ҳамда амалий, коммуникатив ва мақсадли-йўналтирилган фаолиятни ҳам кўзда тутиши лозим.

Замонавий дарсликлар ўз мазмунида янги ижтимоий муносабатларни қўйидагилар орқали акс эттириши лозим:

- 1) ўқиш-ўрганиш, билим олиш, ривожлантириш, ижтимоий мослашув, илгарилаб борувчи пухта сараланган билимлар ва фаолият турлари;
- 2) ўқувчиларнинг турли ижодий фаолиятини моделлаштириш;
- 3) ўқувчиларнинг мантиқий, амалиётга йўналтирилган, аналитик фикрлаши ва тил малакаларини ривожлантиришга имконият яратиш;
- 4) мустақил билим олиш малакаларини ривожлантиришга ёрдам бериш;
- 5) бошқарув, тадбиркорлик, коммуникатив ва тил компетенцияларининг ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиш.

Замонавий дарсликлар мундарижаси ва ишланмаларини тизимлаштиришда қўйидаги ёндашувларни ҳисобга олиш лозим:

- тизимли фаолиятга йўналтирилган ёндашув (ўқувчилар фаолиятининг амалий йўналганлиги, аналогик фикрлашини ривожлантириш, ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятида билим ва кўникмаларни таркиб топтириш жараёни алоқадорлигини ҳисобга олиш;

- ўқитиш мақсадини “оддийдан мураккабга”, “аниқдан абстракциялашга” томон бориш тарзида белгилаш;

- фанлараро ёндашув (билим соҳалари интеграцияси, олам манзарасига доир яхлит нуқтаи назарлар тизимини ҳосил қилиш);

- интерфаол ёндашув (ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликдаги педагогик мулоқотда: “ўқувчи-ўқитувчи”, “ўқувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-гуруҳ”, “ўқувчи-ўқувчи-гуруҳ”, “гуруҳ-жамоа”, “гуруҳ, жамоа-ғоялар генерацияси”);

- компетенциявий ёндашув (билимларни кенг доирасини шакллантиришга ва ўқув жараёнларини амалий натижаларга томон йўналтириб бориш. Дарслик устида ишлаш, аввало, китоб нимага ўргатиши ва қандай воситалар билан мақсадга эришиш кераклигини кўзда тутиши лозим. “Қандай билимлар, қанча ҳажмда ва дарсликнинг қайси бўлимида ўқувчи ўзи зарур маълумотларни топади, қандай амалий билим ва кўникмаларни ривожлантиради?” каби саволларга жавоб топишга йўналтирилиши лозим).

Дарсликни яратишда барча ёндашувлар чамбарчас боғлиқ ва бир бирини тўлдириши, ўзаро боғлиқ равишда бўлиши инobatга олиниши керак.

3-§. Дарслик яратишга қўйиладиган психологик ва педагогик талаблар

Замонавий дарсликни ишлаб чиқишда психологик-педагогик талабларни ҳисобга олиш ўқувчиларнинг руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг ўқишдан чарчаб қолишлари олдини олиш, саломатлик, соғлом ва хавфсиз ҳаёт тарзи қадрини шакллантириш масалаларини ўз ичига олади. Психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш дарслик мазмунида вазифаларни даражалаш ва индивидуаллаш орқали амалга оширилиши, бунда ўқувчиларнинг

турли имкониятлари ва қобилиятлари, ўқувчиларнинг алоҳида таълимга эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим.

Дарсликни ишлаб чиқишда психологик-педагогик талаблар:

– ўқувчиларнинг ёш, психологик ва индивидуал хусусиятлари ва интеллектуал қобилиятларини ҳисобга олиш;

– ўқувчилар учун ўқув материалнинг субъектив аҳамият касб этишини ҳисобга олиш;

– ўқувчиларни мустақил таълим олиши, ўз-ўзини ривожлантиришга йўналтириш орқали мустақил ўқув фаолиятига рағбатни таъминлаш;

– ўқувчиларга ўқув масалалари, вазифалари ва ўқув материални ўзлаштириш усулларини танлаш имкониятини бериш;

– ўқув материалларини турли усуллар орқали ўзлаштиришни таъминлаш;

– тақдим этилаётган ўқув материалларида жўшқинлик ва ижобий кайфиятнинг устунлигига эришиш;

– ўқув материаллари таркибига саломатликни сақлаш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш билан мустаҳкам алоқадорликни сингдириш;

– ўқувчиларга мустақил таълим олиш жараёнини бошқариш имкониятини тақдим этиш, тизимли таҳлил қилиш жараёнларини фаоллаштириш.

Мустақил ва амалий ишларни бажариш учун дарсликка қўйиладиган психологик-педагогик талаблар:

– ўқувчиларнинг индивидуал ва гуруҳда ишлаш имкониятларини ҳисобга олиш;

– ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишидаги ўзига хосликлар ва уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш;

– ўқувчилар фаоллигини ошириш учун дарсликнинг дидактик имкониятлари ва таркибий асосларидан фойдаланиш;

– ўқувчиларнинг билим олишга қаратилган амалий фаолиятини ташкил этишнинг турли шакллари, қобилияти, қизиқиши, психологик хусусиятлари турли даражадаги ўқувчилар учун мўлжалланган мустақил ҳамда амалий ишлар учун масалалар ва машқларнинг мавжудлиги.

Юқорида кўрсатилган талабларни амалга ошириш учун дарсликнинг мазмуни қуйидаги тартибда шакллантирилиши лозим:

1. Ҳар бир параграф бошида мотивацион кўрсатмалар бўлиши керак.

2. Дарслик матни мавҳум, тушунарсиз атамалардан фойдаланилмаган ҳолда содда, тушунарли тилда ёзилиши лозим. Таълим босқичи хусусиятидан келиб чиқиб, матн бирлигидаги атамалар сони белгиланиши лозим.

3. Дарслик матни жуда мураккаб ва тушунарсиз жумла, гаплардан, ўқувчи ёшига мос бўлмаган тушунча ва сўзлардан ҳоли бўлиши лозим.

4. Махсус атамалардан фойдаланилганда уларга аниқ ва бир маъноли таъриф берилиши, шунингдек, хорижий сўзларнинг таржима варианты бўлиши, атамалар ёрдамида ифодаланган тушунчаларни изчил ва тўлиқ ўзлаштириш учун саволлар ва топшириқлар тизими ишлаб чиқилиши керак.

5. Дарсликни яратиш жараёнида материални ўзлаштириш учун ажратилган вақт меъёрлари ҳисобга олиниши лозим.

6. Дарсликлар учун тавсия этилган кўргазма-иллюстрация материаллари ҳажми 6–7-синфлар учун — дарсликнинг умумий (реал) ҳажмидан 40% гача, 8–11-синфлар учун эса — 30% гачани ташкил қилиши лозим.

Уй вазифалари ҳажми ва мазмунига қўйиладиган талаблар

“Уй вазифаси” қисми дарслик методик аппаратининг элементи ҳисобланади. Ҳар бир параграф охирида “Уй вазифаси” рукни киритилади.

Мазкур рукнда уй вазифалари ҳажми ва мазмуни бўйича маслаҳатлар, шунингдек уларни бажариш юзасидан қисқа йўриқномалар берилади.

Мазкур рукнда ўқувчининг диққати параграфдаги асосий ғоялар ва қоидаларга қаратилади, ўқувчини таҳлил қилиш, таснифлаш, умумлаштириш, боғлиқликни аниқлаш ва хулосаларни ифода этиш, ўзлаштирилган билимларни ҳаётда фойдаланишга ўргатувчи ўқув материали берилади.

Дарсликнинг “уй вазифаси” қисмида қуйидагилар тақдим этилиши керак:

- ўқувчиларга мавзу юзасидан вазифалар, масалалар, машқларни ечиш учун намунавий алгоритми;

- берилган мавзу бўйича мустақил амалий фаолиятни бажариш бўйича маслаҳатлар;

- қўшимча ўқув ахборотлари, шунингдек ўқув сайтларига ҳаволалар.

4-§. Дарслик яратишга қўйиладиган дидактик ва методик талаблар

Дарсликларни яратишда муаллиф инobatга олиши керак бўлган дидактик талаблар иккита асосий гуруҳга ажратилди: дарсликдаги ўқув материаллари ҳажми ва таркибий асосларини ҳисобга олиш ҳамда мақбул тарзда лойиҳалаш.

Дарсликни дидактик тузилмаси қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим: илмийлик, ўқишнинг қулайлиги, тушунишнинг осонлиги, ижодий фаоллик, назарияни амалиёт билан уйғунлиги, кўргазмалилик.

Дарслик яратиш жараёнида муаллифлар эътиборга олиши лозим бўлган дидактик масалалар иккита асосий гуруҳдан иборат. Биринчидан, бу дарсликнинг ўқув мазмунини, унинг ҳажми ва структурасини тузишга йўналтириш бўлса, иккинчи томондан ушбу ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилган энг мақбул усуллардан фойдаланишдир.

Дарсликнинг дидактик аппарати қуйидаги асосий тамойилларга таяниши лозим: ўқишнинг қулайлиги, тушунишнинг осонлиги, ижодий фаоллик, назарияни амалиёт билан уйғунлиги, кўргазмалилик.

Замонавий дарслик концепцияси анъанавий дидактик тамойиллар билан биргаликда қуйидаги технологик принципларни ҳам кўзда тутиши лозим:

- таксономик – илмий мақсадларга таяниш;
- ўқувчиларда таянч компетентцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш, компетентияларни баҳолашнинг ишончлилиги;
- ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолашга доир машқ ва топшириқларнинг етарли ҳажмда лойиҳаланиши.

Дарслик ўқув материалларининг илмий асосланганлиги, замонавий фан ва технология ютуқларига мослигини ҳисобга олишда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш лозим:

- дарсликда берилган ахборот мазмунининг аниқлиги, Миллий ўқув дастурига мос бўлиши;

- дарсликдаги материаллар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши;

- дарсликдаги материаллар муаммоли таълим технологияси асосида баён этилиши;

- дарсликдаги материаллар ўқув фанининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда баён этилиши, ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришга имкон бериши, илмий тушунчаларга аниқ таърифлар берилган бўлиши лозим;

- дарсликдаги назарий ва материаллар тартибга солинган ва эгалланган билимларни амалда қўллашга имкон бериши;

- ўқув материалларида билимлар спиралсимон тартибда тақдим этилган бўлиши, тизимлилик, кетма-кетлик, узвийлик ва узлуксиз тамойилларига жавоб бериши;

- ўқув матнлари ва топшириқлари ментал хусусиятлар, умуминсоний ва миллий қадриятларга мос бўлиши;

- дарсликдаги ўқув материаллари кундалик амалий фаолиятда қўллашни ҳисобга олган ҳолда структураланиши;

- дарслик ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантирувчи мавзуларни ўзида акс эттириши лозим;

- дарсликдаги ўқув материаллари ўқувчиларда ўқиш, математик ва табиий саводхонликни ривожлантириши, уларда таянч компетентияларни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак;

- дарслик мукамал структураланган дидактик материалларни ўзида жамлаб, қуйидаги талабларга мос бўлиши керак:

1) дарслик мазмуни, унинг ҳажми ва ташкилий қисми дидактик тамойилларга асосланиб ишлаб чиқилган ва ўқув дастурига мос бўлиши;

2) қўшимча, такомиллаштирувчи, инструкциялашган ва изоҳловчи манбалар мажмуаси;

3) гаплар тизимлаштирилган, дарсликдан фойдаланиш бўйича йўриқнома ва изоҳлар;

4) машқлар, саволлар ва вазифалар тизими;

5) иллюстрация: расмлар ва кўргазмали воситалар тизими;

6) изоҳли луғат;

7) қўшимча маълумотлар, илова;

8) ўқувчилар учун барча зарур бўлган маълумотлар ва манбалар рўйхати тақдим этилиши лозим.

Дарсликинг методик аппарати қуйидагиларни ўзида акс эттириши лозим:

1) барча параграфларда ўқув мазмунига мос матнларда саволлар, топшириқлар, масала ва машқлар бўлиши. Уларнинг барчаси турли тузилишга ва қийинлиги бўйича ҳар хил босқичли ва ривожланишни жадаллаштирувчи асосга эга бўлиши керак;

2) саволлар билимларни ривожлантириши, янги мавзунини ўрганиш учун зарур бўлган мавжуд билимларни қайта тиклай олиши лозим;

3) мустақил бажариш учун саволлар, топшириқлар, масалалар: ижодий, амалий, амалий-йўналишли, лойиҳавий, экспериментал, илмий, моделлаштирувчи тавсифга эги бўлиши зарур;

4) тақдим этилган харита, чизма, фотосурат, расм, график, диаграмма, жадвалларга ва бошқа турли иллюстрацияларга мос савол ва топшириқлар асосий матнда изоҳлар бериш орқали тақдим қилиниши мақсадга мувофиқ;

5) ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўрганишга қизиқтирувчи топшириқ ва саволлар (улар қандай ўқув материалларини ўрганишади, улар олдига қандай аниқ масалалар қўйилган, қандай натижа олинади);

6) матн сарлавҳаси, асосий фикрлар ва тушунчаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш, асосий ахборотларни ўзлаштиришга ёрдам бериш;

7) ҳар бир параграфдаги “уй вазифаси” блокига қўшимча изоҳ бериш;

8) ўқувчилар ахборот манбаини олиши учун ўқув матнига махсус кўрсатмалар, қўшимча билим олиш манбалари белгилаб берилиши;

9) дарсликдаги электрон иловага мос ўқув матнида қўшимча маълумот олиш учун кўрсатмаларнинг тақдим этилиши;

10) ўқув матндаги кўрсатмаларда дарсликдаги изоҳли луғат устида ишлаш кўзда тутилиши;

11) маълумотлар мажмуи.

5-§. Замонавий дарсликларда ўқув материалларини тизимлаштиришга қўйиладиган талаблар

Замонавий дарсликни яратишда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: ўқув режа ва фан бўйича миллий ўқув дастурларидаги талаблар ва ўқув мақсадлари тизими дарсликларнинг мазмунида аниқ фойдаланиши лозим.

Дарсликда ўқув материалларини тизимлаштириш намунаси:

- 1) дарслик мазмуни фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифаларига мос бўлиши;
- 2) мазмунни танлаш тамойилларини аниқлаштириш;
- 3) ўқув материални танлаш усулларини белгилаш;
- 4) мазмунни атроф-олам воқеликлари билан боғлаш;
- 5) универсал фаолият усулларини эгаллашга йўналтириш; (Нима назарда тутилган?)
- 6) ўқувчиларнинг қобилиятлари ва малакалари ривожланиши учун зарур бўлган методлар ва усулларни танлаш;
- 7) индивидуал ўқитиш усулларини танлашга йўналтириш;
- 8) ўзлаштириш учун материал ҳажмини оптималлаштириш.

Дарсликнинг ўқув материали қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади:

- 1) ўқув фанининг мазмунини лойиҳалашнинг чизиқлилиқ тамойили;
- 2) ўқув материалнинг жойлашиш изчиллиги ва ўзлаштирилиши асосидаги билиш қонуниятига асосланган Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларининг босқичлари: **“билиш — тушуниш — қўллаш — анализ — синтез» — «баҳолаш;**
- 3) бутун ўқув курсининг идентив мақсадини ойдинлаштириш;
- 4) кенг кўламга эга мавзулар, фанлараро алоқалар;
- 5) бўлимлар ва мавзуларнинг замонавий талабларга мос келиши, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга кўникмаларни шакллантириш.

Дарсликларда таълим мазмунининг узвийлигини таъминлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- 1) дарсликлардаги ўқув материалнинг бир даражада ва бир хилда қайтарилишининг олдини олиш;
- 2) дарсликда мавжуд билимлардан фойдаланиш асосида, турли даражадаги ижодий, амалий, фаолиятга йўналтирилган, лойиҳавий, тадқиқотчилик ва тажрибавий вазифалар тизимини ҳосил қилиш;
- 3) ўқитишнинг янги мақсадларини амалга ошириш йўлида эгалланаётган билимларнинг ривожланиши ва чуқурлаштиришга эришишга қаратилган таълим мазмунини шакллантириш.

Дарслик мазмуни учун ўқув материални танлашда муаллиф ва тузувчилар қуйидаги талабларга амал қилиши керак:

- 1) оламнинг замонавий илмий манзарасини акс эттириш (босқичма-босқич: қонунлар — қонуният — илмий назариялар — илмий фаразлар — илмий тушунчалар — далиллар);

2) илмийлик ва тушунарлилик ўртасидаги мувозанатни сақлаш (шу жумладан илмий-оммабоплик санъатига риоя қилиш);

3) дарслик мазмунининг ҳажмини ўқув режа ва ўқув дастурига асосан мазкур фанни ўрганишга ажратилган вақтга мутаносиблиги;

4) ўқув мазмуни, топшириқлар, масалалар ва машқларининг ҳаётий вазиятлар билан алоқасини таъминлаш;

5) матнларни тақдим этишда сифатли кўрғазма-иллюстрация ва графика усулларидан фойдаланиш;

6) психологик ва жисмоний саломатликни асраш талабларини ҳисобга олиш;

7) ўқув материалларида ижтимоий-маданий муҳит талабларига риоя қилиш (гендер, этник, иқтисодий жиҳатлар бўйича);

8) таълим мазмунининг модул тавсифга эга бўлишини таъминлаш;

9) фаолиятли ва муаммоли ёндашувларни амалга ошириш;

10) таълим ресурслари орқали маълумотларни мустақил излаш ва маълумотларни бойитиш имкониятини яратиш;

11) асосий ўқув материаллари ва методик аппаратнинг турли мураккаблик даражаси асосида ўқитишга йўналтирилиши;

12) ўқув материалларининг фаол ва интерфаол ўқитишга йўналтирилиши;

13) диагностик таркибий асоснинг ўқувчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаши (ўз-ўзини назорат қилиши) билан боғланиши;

14) ўқув матнининг қўшимча элементлари тизимли равишда такрорланиши;

15) атамаларни бир хиллаштириш, таърифларнинг аниқ ва лўндалиги, ўзаро боғлиқ фанлар бўйича дарсликларда тушунча ва номларни мувофиқлаштириш.

6-§. Дарсликнинг тузилишига қўйиладиган талаблар

Дарсликнинг таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

1. Мундарижа.
2. Кириш.
3. Асосий матн.
4. Қўшимча матн.
5. Тушунтирувчи матнлар.
6. Иловалар.
7. Кўрсаткич манбалари.

1. Мундарижа дарсликнинг асосий ва қўшимча маълумотлари аппаратининг муҳим қисми бўлиб, унда сарлавҳалар қисқа бўлиши ва шрифтлари ранг билан ажратилган бўлиши керак. Дарсликдаги берилаётган материалнинг ҳажмига қараб, ўрганилаётган курс мазмуни боб, бўлим ва параграфларга ажратилган бўлиши лозим.

2. Кириш қисмида ўқув фанининг аҳамияти, унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, фанни ўрганишдан асосий мақсадлар қайд этилиши, ўқув фани билан таништириш, дарслик билан ишлаш усуллари тавсифланиши лозим. Муаллиф ва тузувчилар дарслик тузилмасининг тавсифлашлари билан бирга фанни ўрганиш мантиқини ёритиб беришлари лозим. Кириш қисмида билимларни эгаллаш йўллари очиб берилади. Унда бошланғич билимлар ва тушунчалар баёни, илмий қарашлар, ўқиш ва матнни тушуниш йўллари, маълумот манбалари келтирилади. Шунингдек, дарсликнинг кириш қисмида мазкур ўқув нашридан қандай фойдаланиш тўғрисида маълумотлар берилиши керак.

3. Асосий қисм параграфлар матн ва матндан ташқари компонентдан ташкил топади.

Асосий матннинг мазмуни билимларни креатив фикрлаш тажрибаси ва ижтимоий қадриятларга таяниб ўзлаштиришни таъминлаши керак. Параграф — маълум бир мавзу бўйича умумлаштирилган билимларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Ҳар бир параграфдаги ўқув материали қуйидаги тузилмага асосан баён этилади:

I. Мавзуга кириш:

- 1) мавзуга оид сўзлар;
- 2) миллий ўқув дастурига асосан ўқитишнинг мақсади;
- 3) мақсадга эришиш алгоритми.

II. Асосий матн:

- 1) асосий матнни баён қилиш;
- 2) таянч тушунчаларни шакллантириш ва белгилаш;
- 3) керакли бўлган тўлдирувчи ва изоҳловчи маълумотларни белгилаш;
- 4) мавзунинг мазмунини ўқувчилар томонидан тушунганлигини аниқловчи савол ва топшириқларни шакллантириш;
- 5) турли мураккаблик даражасига эга топшириқ, мисол, масала ва машқларни тақдим этиш;
- 6) расм, чизма, фотосуратларни танлаш ва улар бўйича ёрдамчи савол ва вазифаларни шакллантириш;
- 7) параграфнинг методик компонентига керакли манбаларга ҳаволалар берилган тарзда мустақил бажариш учун вазифаларни киритиш;
- 8) мавзунинг рефлексия йўли билан мустаҳкамлаш.

III. Уй вазифасини бажариш методикаси ва унинг ҳажми.

Асосий матн Миллий ўқув дастурига асосан тайёрланган, муаллиф ва тузувчилар томонидан дидактик ва услубий қайта ишланган ҳамда тизимлаштирилган матн ва иллюстрацияли материалдир. Асосий матнни диалог шаклида тузиш, муаллифлар ўқувчининг билимлари ва тажрибасига мурожаат этишлари лозим. Асосий матнда берилган ўқув материали ўқув дастурида акс этган ўзлаштирилиши шарт бўлган асосий маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Матн параграф мавзусининг асосий жиҳатларини ёритиб берувчи аниқ, равланган, адабий тилда ёзилиши лозим. Асосий матн материаллари умумқабул қилинган илмий меъёрларга мос келиши, сўзлар бир маънога эга бўлиши, қарама-қарши

фикрлар уйғотмаслиги ҳамда мунозарали ҳолатларни туғдирмаслиги керак. Турли изоҳлар кўшимча матнларда акс эттирилиши мумкин.

Параграф пухта ишлаб чиқилганлигининг кўрсаткичлари қуйидагилардир:

- мазмуннинг намунавий ўқув дастурига мос равишда мукамаллиги (мажмуавийлик, яхлитлик);
- чуқурлиги, теранлиги (аниқлик, муфассаллик, далилларга бойлиги);
- мантиқий изчиллиги (таърифдан анализ ва синтезга, қайд этишдан фаолиятга, баҳолашга, умумлаштиришга ва хулоса қилишга);
- изоҳланганлик ва исботланганлик;
- параграфнинг методик компоненти.

Умумлаштирувчи бўлимлар.

Мазкур бўлимларда тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва хулоса чиқаришга доир турли материаллар берилади.

4. Кўшимча матн илмий исботланган ва ўқув мазмунини ранг-баранглигини таъминловчи, дарсликнинг эмоционал асосини кучайтирувчи, ўқувчини ижодий ва тадқиқот ишлари билан таништирувчи, ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштиришга ёрдам берувчи материаллардан иборат бўлади.

Кўшимча матнларга қуйидагилар киради:

- бадий, қомусий, илмий-оммабоп, хрестоматик адабиётлардан парчалар;
- тарихий ва бошқа манбалар, статистика ва биография маълумотларидан парчалар;
- кўшимча маълумотлар, вазифалар, топшириқлар;
- ёрдамчи рукнлар ва иллюстрациялар.

Кўшимча матнлар дарсликнинг инсонпавраликка йўналтирилган моҳиятини ифода этиб, ўқувчининг дунёқарашини кенгайтиради, материалнинг амалий йўналганлигини кучайтиради.

Кўшимча матнлар уларнинг материални ўзлаштириш тизимидаги функционал аҳамиятидан келиб чиқиб тузилиши, ривожлантирувчи, энг муҳим масалаларини чуқурроқ тушунтирувчи ва ўқув матнининг асосий тушунчаларини ёритиб бериши лозим.

Кўшимча матнлар параграф, бўлимнинг ўртасида, охирида жойлаштирилиши мумкин ва мантиқан тизимли ҳаволалар орқали асосий матн билан боғланган бўлиши керак.

5. Тушунтирувчи матн – эслатма, изоҳлар, жадваллар, чизмалар, шартли белгиларга изоҳлар, иловалар, маълумотнома материаллари, луғатлар ва бошқалардир. Тушунтирувчи матн ўқув материални тушуниш ва фанлар бўйича билимларни тўлиқ ўзлаштириш бўйича маълумотларни ўз ичига олади ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини амалга ошириш функциясини бажаради.

Тушунтирувчи матнларга қуйидагилар киради:

- чизма, харита, иллюстрацияларга изоҳлар;
- асосий матндаги маълумотларни тушунтиришга йўналтирилган формулалар, бирлик системалари, меъёрлар, қўшиш жадваллари;
- матнда фойдаланилган янги атамаларни ўз ичига олган глоссарий.

Тушунтирувчи матн услубий жиҳатдан асосий матндан қисқалиги ва лўндалиги билан ажралиб туриши, бошқа шрифтда ёзилиши керак.

6. Иловалар. Иловалар сифатида асосий матнни тўлдирувчи ва бойитувчи маълумотнома материаллар ишлатилади. Иловалар таркибига жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, луғатлар, турли рўйхатлар, иллюстрациялар ва маълумотнома материаллари киради. Хусусий ҳолларда иловалар матннинг белгиланган жойида жойлаштирилади. Бутун бир дарсликка ёки унинг алоҳида бўлимларига тегишли бўлган иловаларни матн охирига жойлаштириш улардан фойдаланишни осонлаштиради. Барча иловалар мазмуни бўйича гуруҳланади ва рақамланади.

7. Кўрсаткич манбалари

Кўрсаткич манбалари ўзига қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олади:

- рукнлар;
- шрифт ва ранг ёрдамида белгиланган ажратмалар;
- сигнал белгилар;
- библиография;
- титул сарлавҳа;
- махсус йўриқномалар;
- предметлар ва номлар бўйича кўрсаткичлар.

ХУЛОСА

Дарсликлар кўп йиллик педагогик, психологик изланишлар, илғор тажрибалар ҳамда жаҳон стандарти намуналари асосида тузилган бўлиши лозим. Хусусан, умумтаълим фанлари бўйича яратилган дарсликларнинг тили содда, равон ва тушунарли, ўқувчи ёши ҳамда психологик хусусиятига мос бўлиши, уларнинг нутқи ва дунёқарашининг ўсишига ёрдам бериши керак.

Дарсликлардаги ҳар бир мавзу ўзидан олдинги мавзунини тўлдириб, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориши зарур. У ўқувчиларни кишиларга ғамхўрлик, меҳрибонлик, илтифотлилик, меҳнатсеварлик, камтарлик, виждонлилик каби ижобий фазилатларни тарбиялашга хизмат қилиши лозим.

Дарсликларнинг дидактик вазифаларини тизимлаштиришнинг аҳамияти таълим жараёнига ахборот оқимларининг кўплаб жалб этилиши муносабати билан кучайиб бормоқда. Натижада ўқув материалларини интеграциялаш ва умумлаштиришни тақозо қилмоқда. Ўқув материалларини танлаш ва структуралаш дарсликни лойиҳалашга алоқадор ҳолатдир. Бу эса таълим жараёнини лойиҳалаш асосида келиб чиқади. Янги авлод дарсликларида ўқув материалларини тизимлаштиришда жараёнга доир ва режалилик тамойилларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Ўқув материалларини тизимлаштиришга жараёнли ёндашув, айниқса, шахсга йўналтирилган таълимда қўлланиладиган дарсликларни яратиш ва унда тақдим этиладиган ўқув материалларини лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тамойил ёрдамида нафақат муайян ўқув фани доирасида, балки фанлараро интеграция таъминланади. Чуқурлаштирилган таълим дастурларида таълим мазмунига асосланган лавҳаларнинг намоён бўлиши параграфлар, бўлимлар, ўқув курслари шаклида ифодаланади. Дарсликда таълим мазмунининг таркибий қисмлари ёрдамида кириш, асосий матнлар, мавзуларни ўрганиш режаси, таянч жадваллар ёрдамида ўқув материалларининг таркибий қисмлари, мазмуни ва тузилмаси баён этилади.

Узвийлик тамойилини амалга ошириш орқали замонавий дарсликларни яратиш ва таълимни ахборотлаштириш шароитида ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Замонавий дарслик узвийлик ва узлуксизликка асосланган шахсни мотивлаштиришнинг яхлит тузилмасини ўзида бирлаштириши лозим. Ҳар қандай алоҳида хусусиятга эга дарсликлар (таянч, узвийлашган ва шахсга йўналтирилган) яхлитликда шахсга йўналтирилган узвийлашган дарслик номи остида бирлашиши зарур.

Шундай қилиб, дарсликларни яратишда янги ўқув адабиётларини лойиҳалаштиришнинг тўртта асосини ҳисобга олиш лозим: дарслик мазмунининг замонавий бўлиши; ўқитишнинг янги технологиялари; таълим ва тарбия беришга комплекс ёндашув; замонавий дизайн.

Методик жиҳатдан яхши ишлаб чиқилган мактаб дарслиги — ўқув жараёнини самарали ташкил этишга ва йўналтиришга имкон берувчи яхши ўйланган таркибий асослардан, самарали дидактик ва методик таъминотдан иборат бўлиши лозим.

Ишнинг таркиби:

- Лойиҳанинг техник топшириғи, концепцияси яратилади;
- Лойиҳанинг (android, ios va windows) иловалари яратилади;
- Иловани ишлаб чиқиш;
- илова контенти камида 10-20 та ўзлаштирилиши қийин дарслар бўйича таълимий ўйин ёки геймфикация элементларидан фойдаланган ҳолатда электрон дастур яратиш;
- лойиҳани яратиш яратиш (7 тилда);

Тавсия этилади:

- Давлатлар томонидан бошқа давлатлар ҳудудига ҳарбий юриши, жанглар тасвири. (Харита орқали.)
- Халқларнинг бошқа ҳудудларга кўчиб бориши. (Харита орқали.)
- Аҳоли машғулотлари ёки иқтисодий-маданий ҳаётинини ҳаритада акс эттириш.
- Давлатлар ҳудуди чегараси турли даврларда ўзгариб бориши. (Харита орқали.)
- Дарслик бобларига доир расмларни ҳаракатлантириш.
- Мавзуга оид қизиқарли видеороликларни бериш.
- Мавзу якунида мавзуга доир музейларга виртуал саёҳат олиб бориш.
- Мавзу доир ҳарбий аскар ёки аҳолисини ташқи кўриниш (кийими, меҳнат, ҳарбий ёки ов қуроллари)ини тасвирлаш.

Лойиҳанинг концепцияси ва асосий ғояси:

- «Ўзбекистон тарихи» дарслиги асосида ўқувчилар учун замонавий таълимий ўйин ёки геймфикация элементларидан фойдаланган ҳолатда электрон дастур яратиш технологияси ёрдамида мобил илова ишлаб чиқиш.

Мобиль илова мақсади вазифалари

- Иловани яратишдан мақсади – AR технологияси ёрдамида «Ўзбекистон тарихи» дарслиги асосида замонавий рақамли медиа ресурслар базасини яратиш, таълим жараёнига замонавий визуал, таълимий ўйин ёки геймфикация элементларидан фойдаланган ҳолатда электрон дастур яратиш технологияларни жорий қилиш

Иловани яратиш ишларининг босқичлари

Ушбу иловани яратиш бўйича техник ишлар қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. Лойиҳани техник топшириғини ишлаб чиқиш ва яратилиш муддатини аниқлаш;

2. Фойдаланувчи экранларининг тузилиши ва дизайни ишлаб чиқиш босқичи;
3. Фойдаланувчи интерфейсини ишлаб чиқиш босқичи;
4. Дарсликдаги графикларни яратиш ва иловага жойлаштириш босқичи;
5. Лойиҳанинг амалиётдаги ишлаш жараёнини ва хавфсизлигини текшириш;
6. Иловани тўлиқ яратиш ва тадбиқ этиш.

Буюртмачига мобил иловани ишлаб чиқиш бўйича ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби

1. Ижрочи лойиҳани ўз базасида ишлаб чиқади.
2. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишнинг барча босқичларини яқунлагач, мижоз ўз лойиҳасини жойлаштириш учун керакли дастурий таъминотларни танлаш тўғрисида қарор қабул қилади ва ижрочига лойиҳани нашр этиш учун маълумот беради.

Иловани ишлаб чиқиш

Буюртмачи лойиҳани нашр қилиш билан шуғулланади, ижрочи эса буюртмачи номидан лойиҳани нашр этади.

Иловага таъминотга қўйиладиган талаблар

- Дастур интерфейси тили: ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ;
- Ишлаб чиқилган дастурий таъминот (бундан кейин дастурий таъминот) бўлиши керак;
- андроид 4.0 (ва ундан катта) OS асосидаги қурилмалар билан мос келиши керак;
- 6.1.6 (ва ундан катта) дан iOS операцион тизимга асосланган қурилмалар билан мос келиши керак;
- ўқувчилар эркин фойдалана олишлари учун содда ва креатив тузилишга эга бўлиши керак;
- илова ортиқча дастурий воситаларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим;

Мобиль илова контенти

Замонавий таълимий ўйин ёки геймфикация элементларидан фойдаланган ҳолатда электрон дастур яратиш технологияси ёрдамида ишлаб чиқиладиган дастурий таъминотнинг асосий контенти «Ўзбекистон тарихи» дарслигига киритилган тасвирий воситалар (саҳифалар ва мавзулар кетма-кетлигида)

Тест ва қизиқарли ўйинлар:

- Қадимги давлатлар ҳудудини харитадан топиш тести.
- Давлатлар тарихига оид маълумотларни топиш тести.
- Илм-фанга ҳисса қўшган олимлар фаолиятига оид расмли тестлар.
- Саркадалар фалоятига доир ўйинлар. (Жанг усуллари, ҳарбий қурооллар ва аскарлар кўринишини қамраб олган ҳолда)

Овозли матнларни яратиш (7 тилда)

«Ўзбекистон тарихи» дарслигига AR (augmented reality) технологияси ёрдамида ишлаб чиқиладиган рақамли медиа контент учун 7 тилда (ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ) аудио материаллар тайёрлаш (саҳифалар ва мавзулар кетма-кетлигида)

Интерфейснинг тузилиши ва тавсифи

- Ўқувчилар учун содда ва тушунарли, ортиқча элементлардан ҳоли бўлган интерфейсга эга бўлиши лозим;
- PSD (Photoshop Document) ёки TIFF (Tagged Image File Format) иловадаги тасвирий воситалар ушбу икки форматдан бирида бўлиши керак;
- Ҳар бир дизайн элементи алоҳида қатламда тақдим этилиши керак;
- Экрани фонни бир хил ва такрорий бўлиши керак. Ранглар кетма-кетлиги бир хил бўлиши лозим;
- Кичкина дизайн элементлари (белгилар, турли иконлар) тартибда такрорий такрорланганда (масалан, белгиланган рўйхат, меню ва бошқалар) алоҳида файлларда тақдим этилиши керак. Тартибнинг ўзида барча такрорлашлар бир қатламда жойлаштирилиши мумкин;
- Ҳар бир фойдаланувчи экранининг кўриниши мобил қурилмалар экранининг (вертикал ва горизонтал) иккала позицияси учун мўлжалланган бўлиши керак;

Асосий саҳифани яратиш

«Ўзбекистон тарихи» дарслигини замонавий таълимий ўйин ёки геймфикация элементларидан фойдаланган ҳолатда электрон дастур яратиш технологиясининг фойдаланувчи интерфейсига илк кирилганда экраннинг юқори қисмида тилни танлаш имконияти мавжуд бўлиши керак. Интерфейснинг асосий қисмида мактаб боллаларига хос графика ва пастида йўриқнома. Йўриқнома 3 қисмдан иборат бўлиши керак. Йўриқномаларни ўтказиб юбориш тугмачаси бўлиши керак.

Асосий экран

Экранда «Ўзбекистон тарихи» дарслигидан AR ёрдамида фойдаланиш имкониятларини этиши керак.

Ушбу экранда, юқорида санаб ўтилган «Ўзбекистон тарихи» дарслигида берилган мавзулар тасвирларни аудиолар билан AR ёрдамида ўқиш имконияти мавжуд бўлиши керак.